

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

Jild 3, Son 7/S
2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Холлиев Азизбек Гўзалович</i> РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)	7-13
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i> ФАРГОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР	14-25
<i>Бобоҷонов Шавкат Улуғбековиҷ</i> ФЕНОМЕН БАҲАУДДИНА НАҚШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА	26-31
<i>Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna</i> ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS ETISHI	32-39
<i>Isarov Umidulla Isar o'g'li</i> “ILK KO'CHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI	40-45
<i>Исламов Шарифжон Ганиджанович</i> “КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ	46-54
<i>Фарманова Гулнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ ХХ ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И А.И.ТЕРЕНОЖКИНА).....	55-64

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i> QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI	65-71
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i> ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI	72-79
<i>Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна</i> ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ	80-90
<i>Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich</i> PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS	91-98
<i>Темиров Шоҳруҳжон Пўлатхўжа ўғли</i> КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	99-108

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Raximova Dildora Abzalovna</i> GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI	109-114
---	---------

Искандаров Жаҳонғир Шарипович
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ 115-121

Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna
YOSHLARNI IJTIMOIY HIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI 122-128

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Axmedov Oybek Saparbaevich
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ
ХОДИСАСИНИНГ ЎРНИ 129-137

Rasulova Gulbahor
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR 138-143

Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li
КОГНИТИВ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИ ТАQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugли, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonu
Umidjanovna, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovna, Gulnora Xolmurodova Sattorovna*
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND
RESEARCH 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugли, Hafizov
Sarvar Boborajab ugли, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S
WOMAN" BY JOHN FOWLES 160-166

Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich
О'ЗБЕК ТИЛИДА YARATILGAN CHAPPA (TERS) LUG'ATLAR HAQIDA 167-176

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

Tўраев Сардор Абдихаким ўғли
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
МАСАЛАЛАРИ 177-187

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna
MATNNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA 188-192

Xaydarov Azamjon Asqarovich
“OZIQ OVQAT TEXNOLOGIYASI YO'NALISHI” TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O'QITILISHDA
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI 193-198

Allamurodova Sabohat Ibodullayevna
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV 199-204

Gaynullaeva Yulduz Anvarovna
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING 205-210

09.00.00 – Фалсафа фанлари

Искандаров Жахонгир Шарипович
Ташкент давлат иқтисодиет университети
мустақил тадқиқотчи

ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада интуиция ва унинг фалсафий талқинлари билан боғлиқ қарашлар қиёсий очиб берилган. Шунингдек, интуитивлик ва интуитив билишнинг умумий методологик муаммолари, интуитив билишни объектнинг хилма-хил хусусиятларини акс эттириш жараёнини ўз ичига олиши ҳамда интуитив билиш нафақат ғаримантикий балки мантикий фикр-мулоҳазаларни амалга оширилиши илмий нуқтаи-назардан асосланган.

Калит сўзлар: интуиция, интуитивлик, интуитив билиш, ижод, тафаккур, диний туйғу, интуитив тафаккур, фикрлаш жараёни, кашфиёт.

Искандеров Жахонгир Шарипович
Независимый исследователь Ташкентского
государственного экономического университета

ИНТУИЦИЯ И ЕЕ ФИЛОСОФСКИЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ

Аннотация. В данной статье сравнительно раскрываются взгляды, связанные с интуицией и ее философскими интерпретациями. Также с научной точки зрения базируются общие методологические проблемы интуиции и интуитивного познания, тот факт, что интуитивное познание включает в себя процесс отражения различных свойств объекта, а также то, что интуитивное познание представляет собой не только математическое, но и логическое рассуждение.

Ключевые слова: интуиция, интуитивность, интуитивное познание, творчество, мышление, религиозное чувство, интуитивное мышление, мыслительный процесс, открытие.

Iskanderov Jakhongir Sharipovich
Independent researcher of
Tashkent State University of Economics

INTUITION AND ITS PHILOSOPHICAL INTERPRETATIONS

Abstract. This article comparatively reveals the views associated with intuition and its philosophical interpretations. Also based from a scientific point of view are the general methodological problems of intuition and intuitive cognition, the fact that intuitive cognition includes the process of reflecting various properties of an object, as well as the fact that intuitive cognition is not only mathematical, but also logical reasoning.

Key words: intuition, intuitiveness, intuitive cognition, creativity, thinking, religious feeling, intuitive thinking, thought process, discovery.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I7/SY2023N14>

Кириш. Инсон фаолиятининг ўзига хос элементи сифатида ижодкорлик муаммоси қадимдан бошлаб чуқур ўрганиб келинмоқда. Фалсафий қарашларда ушбу муаммога асосан икки хил ёндашув асосида муносабат билдирилган. Буларнинг биринчиси ижод бу “Худонинг инсонга берган инъоми бўлса, иккинчиси ижод онг маҳсули эканлиги билан боғлиқ. Ижодий жараённи билишга бўлган дастлабки уриниш қадимги юонон файласуфлари томонидан амалга оширилган. Масалан, Афлотун “Борлиқдан мавжудликка ўтишни келтириб чиқарадиган барча нарса бу ижоддир” деган эди. Шунингдек, мутафаккир ижодни иккига ажратиб талқин қиласи. Булардан бири илоҳий ижод бўлса, иккинчиси инсонни тафаккур қудрати орқали намоён бўлган янги моддий ва маънавий қадриятлардир. Ўрта асрларда эса ижод муаммоси асосан теологик қарашлар орқали талқин қилинган. Яъни Худони яратувчи сифатларига алоҳида эътибор қаратилган. Фома Аквинский давридан бошлаб ижод илоҳий моҳиятга интилган инсоннинг диний туйғуларини юксак ифодаси ва унинг онгини илоҳий ижоднинг тубига шўнфиши сифатида ифодаланган. Худди шу ёндашув объектив идеализм асосчиси Гегел қарашларида ҳам ўз аксини топган. Гегелнинг таъкидлашича, Худонинг ижодий фаолияти билвосита намоён бўлади: “Ижод — бу худонинг ўз-ўзини такрорлашидир ва одамнинг ижодий фаолияти бу ваҳийнинг презумпцияси сифатида намоён бўлади халос”. З.Фрейд, Эд Хартман, С. Юнг ва бошқалар томонидан ижод бу инсоннинг онгиз руҳий кечинмалари, маънавий-руҳий азобларини эркин намоён бўлиши сифатида талқин қилинади.

XX аср охири — XX аср бошларида яшаган кўплаб мутафаккирлар инсоннинг ижоддаги устуворлигини эътироф этадилар ва унда дискурсив ва интуитив ролни баҳолайдилар. Демак, Л.Шопенгауэр санъатни инсон фаолиятининг энг юқори тури деб билган, чунки унинг фикрича, ижоднинг интуитив табиати ёки ундаги дискурсив онгнинг ўрни иккинчи даражали нарса билан боғлиқ деб баҳоланган. Б.С. Соловьев эса ижод бу инсон менини акс этиши, шунингдек, яратилишдан хабардорлик деган бўлса, Н.Бердяев ижод “бу дунёнинг чегараларидан ташқарисидаги” мавжудликни англаш босқичи сифатида изоҳлайди. Ижод ҳақидаги қарашлар кейинчалик интуитив билиш ҳақидаги назарияларни шаклланишига олиб келди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият интуитив фаолият деб тушунилади

Интуиция лотинча “intueri” сўзидан олинган бўлиб, диққат билан қараш деган маънени билдиради, фавқулодда қучли ақл, хотира ва истеъдод маъноларини англатади. Интуиция ўз ўрнида мураккаб ва ноёб ҳодиса. Баъзилар интуицияни ижодкорликнинг юксак даражаси деб ҳисобласа, Гёте: “Интуициянинг ибтидоси ва интиҳоси ҳақиқатни севиш ва унга интилишдадир”[1;56-б]-дейди. Шопенгауэр назарида, интуиция бу хусусийда умумийни кўра олиш лаёқатидир”[2;182-б]. Карлейл эса интуицияга қийинчиликларни енгиги ўтишнинг ғайриоддий воситаси сифатида қараган. Камбреж изоҳли луғатида интуицияга қуидагича таъриф берилади: “Интуиция бу- онгнинг фавқулодда юксак даражадаги интеллектуал кучи бўлиб, у оригинал тафаккур, ихтирочилик ва кашфиётчиликни тақозо қилувчи юксак даражадаги ижодий қобилиятда намоён бўлади”[3;250-б].

“Интуиция” тушунчаси инсоннинг ижодий лаёқати, шунингдек, унинг муайян соҳадаги самарали фаолиятига нисбатан туғма қобилиятини баҳолаш учун ҳам қўлланилади. Интуиция истеъдоддан шуниси билан фарқ қиласиди, у сифат жиҳатидан бутунлай янги қадриятларни яратади. Шу боис оригиналлик интуициянинг энг асосий хусусияти ҳисобланади. Лекин интуиция ижодий қобилиятнинг бир кўриниши. Отто Вейнингернинг фикрича, интуиция ҳеч нарсани ўрганмай туриб, ҳамма нарсани сезадиган ғойибона билиш қобилиятидир.

Интуиция муаммосида олиб борилган изланишлар бу ҳодисани теранроқ тушуниб олиш имконини беради. Интуитив жараёнда нафақат ички овозни эшиши, ҳис қилишгина эмас, балки, тасаввур қилиш, кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Арасту нуқтаи назарича, “фикрловчи онг шаклни образларда тасаввур этади”[4;42-б]. “Олимлар ҳам,-дэйди Галилей,-формулалар билан эмас, балки оддий одамларга ўхшаб образлар воситасида тафаккур қиласиди”[5;156]. Эйнштейн ўзидағи образларни шакллантириш лаёқатини ижодкорлик фаолиятининг манбаи деб ҳисоблаган. Воқеликка бутунлай янгича ва оригинал ёндашув- интуитив билишнинг бош омили. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ҳам буни тасдиқлайди. Интуициянинг ўзига хослиги яна шунда кўринадики, у воқеликни турлича нуқтаи назардан идрок қила олади. Интуитив жараёнга кўпроқ ўзаро зид қарашларни муайян қонуниятларни муқояса этиш лаёқати ёрдам беради. У ўзидағи мавжуд фараз ва тахминлар доирасидан ташқарига чиқа олади. Бу эса вазиятни холисона баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга.

Интуицияни ўрганиш тарихига назар ташласак, эзотиризм таълимотига кўра, табиатда баъзи бир кишиларни ҳузур ҳаловатдан кечиб, ижодга бутунлай берилишга мажбур қилувчи қандайдир номаълум кучлар мавжуд. “Баъзан,- деб ёзади француз психологи Г.Доли,- ҳатто даҳо ҳам ўзининг ақл чироғи ёритган уфққа назар ташлар экан, ҳайратдан ёқа ушлайди ва бу нарса унга юқоридан, кўринмас илоҳий кучлар томонидан берилаётганига ишонади”[6;82]. Ижоднинг илоҳий инъом экани ҳақида рус файласуфи Н. Бердяев бундай ёзади: “Инсондаги истеъдод ва интуиция унинг ўзига боғлиқ эмас. Бу -худонинг марҳамати”[7;122-б].

Мұҳокама. “Интуитивлик” атамаси биринчи марта XX асрнинг 50 йиллари охирида Фарб психологиясида пайдо бўлган бўлиб, у одамнинг янги тушунчалар яратиш ва янги кўникумалар ҳосил қилиш қобилиятини англатиши асосланган. Интуитивлик шахснинг янги моддий ва маънавий қадриятларни яратувчанлик хислатидир. Бу тушунча ўз ичига мавжуд ёки янги муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезигирлик, муҳим воқеликларни ғайримантиқий англаш жараёни, натижаларни олдиндан кўра билиш, башорат қилиш кабиларни қамраб олади. Ҳар бир инсоннинг интуитив билиш соҳиби эканлиги унинг фикрлаш тарзида, ижодий мулоқотида, ҳис-туйғуларини муносиб бошқариш намоён бўлади. Интуитивлик шахсни яхлит муҳим хусусиятларини тавсифлаш билан бир қаторда, ўзига хос зеҳни ўтқирлик ва иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам талқин қилинади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантиқий фикрлаш-эмоционал ҳолат таъсирида юз беради. А.Азизқулов интуитивликни ижодий фаолият сифатида таҳлил қилиб, “Ижод инсонни янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган мураккаб руҳий-маънавий фаолиятдир. Инсон томонидан табиий борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш фаолияти

фақат ижодий ёндашув натижасида содир бўлади. Айнан, ижодкорлик фаолияти орқали инсон табиатдан ажралиб чиқди ва уни ўзига бўйсундирди”[8;146-б] деб таъкидлайди.

Натижалар. Интуитивлик тафаккурнинг шундай ижодий шаклини, у инсонга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимларни топишга имкон беради. Бундай ижодий тафаккур шакли қуруқ, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, борлиқдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўзга хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам беради. Интуитив тафаккур соҳиби бўлиш бу ҳаётда бошқаларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга бўлиш демакдир. Масалан, бошқаларга қараганда қизиқарли ва мазмунли суҳбатдош бўлиш, ҳаётда учрайдиган қийинчиликлардан оқилона ва ноодатий тарзда чиқиш демакдир. Интуитив қобилияtlарни фақат янги ғояларни яратишина учун эмас, балки инсон ҳаёт тарзи ёки шахснинг ички ижодий имкониятларини ривожланишида муҳим ўрин тутади. Анъанавий таълим тизимидағи интуитивлик кўпроқ ахборотни ёдда сақлаш ва фактларни йиғишга асосланганлиги туфайли ҳам шахснинг интуитивлик қобилиятини етарли даражада ривожлантиришга қодир эмас.

Кундалик ҳаёт тарзи кўпинча инсоннинг интуитив қобилиятини пасайишига сабаб бўлади. А.Маслоу ҳам интуитивликни барчага хос туғма ижодий йўналиш, атроф-муҳитнинг таъсирида кўпчилиқда йўқолиб кетувчи фаолият[9;345-б], деб ҳисоблаган.

Джо Пол Гилфорд ўзининг илмий тадқиқот ишларида интуитивлик ва интеллектни биринчи маротаба таққослади. У интеллект структураси моделини яратишида тафаккурни конвергент ва дивергент турларга ажратди[10;444-454-б].

20-асрнинг ўрталарида Ж. Гилфорд ўзининг интуитив билишни ўрганишига бағишлиланган асарларида конвергент ва дивергент фикрлаш тушунчаларига алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, конвергент фикрлаш — зарур шартни ва вазифанинг талабларига жавоб берадиган ягона ҳақиқий нарсани топиб, муаммони ҳал қилишни таъминлайдиган фикрлашдир. Дивергент фикрлаш йўналтирилган фикрлаш эмас, балки кенг фикрлаш қобилияти, яъни, объектнинг бошқа хусусиятларини кўриш қобилиятига эга бўлишдир. Бундай фикрлаш тафаккурда тўрт хусусиятининг устунлиги билан ажралиб туради. Биринчидан, бу ўзига хослик, аҳамиятсизлик, ифода этилган ғоявий ғоялар, интеллектуал янгиликка интилиш. Гилфорд ижодкорликнинг тўртта асосий параметрларини аниқлади: 1) оригиналлик — узоқ бирлашмалар ишлаб чиқариш қобилияти, ғайритабии жавоб; 2) семантик мослашувчанлик — объектнинг асосий хусусиятларини аниқлаш ва ундан фойдаланишининг янги усулини таклиф қилиш қобилияти; 3) ижодий уйғулаштирувчи мослашувчанлик — стимулнинг шаклини уларда фойдаланиш учун янги белгилар ва имкониятларни кўриш учун ўзгартириш имконияти; 4) семантик спонтан мослашувчанлик — адолатли вазиятларда турли ғояларни ишлаб чиқиш қобилияти.

Умумий ақл ижодкорлик таркибиға киритилмаган. Кейинчалик Гилфорд ижодкорликнинг олтита параметрини келтириб ўтади: муаммоларни аниқлаш ва тузиш қобилияти; кўплаб ғояларни яратиш қобилияти; мослашувчанлик — турли ғояларни ишлаб чиқариш қобилияти; ўзига хослик — муҳитнинг ташқарисида бўлган огоҳлантиришларга жавоб бериш қобилияти; тафсилотларни қўшиб

объектни такомиллаштириш қобилияти; муаммоларни ечиш қобилияти, яъни таҳлил қилиш ва синтезлаш қобилияти[11;154-б].

Пол Торренс интуитивликни тафаккур терминларида таърифлаб, ижодий тафаккурни “қийинчиликлар, муаммолар, ахборотдаги камчиликларни ҳис қилиш; шу камчиликларнинг гипотезалар тузилмаси, уларни текшириш ва баҳолаш, қайта кўриш ҳамда текшириш ва ниҳоят, натижаларни умумийлаштириш” сифатида тушунади. Умуман олганда, интуитивлик – янги, оригинал ғояларни яратиш, фикрлашнинг ностандарт шакли, берилган муаммоларга омадли ечимлар топишдир[12;43-44-б].

Интуитив тафаккур эса революцион тафаккур бўлиб, у конструктив характерни ифодалайди. Э.П.Торренс фикрича, “интуитивлик” тушунчаси негизида қўйидагилар ёритилади:

- муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик[13;196-б].

Интуитив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин.

Ижодкор деярли ҳар доим ва ҳамма жойда бошқача ечим топишга интилади. Иккинчидан, ижодкор одам семантик мослашувчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради, яъни, мавжуд объективни янги бурчакдан кўриш қобилияти, объективдан ўзгача фойдаланиш қобилиятини намоён этади. Учинчидан, интуитив билишда ҳар доим хаёлий мослашувчан мослашувчанлик каби хусусият мавжуд, яъни, объективнинг янги, яширин томонларини кўриш учун ҳатто идрокни ўзгартириш талаб этилади. Тўртинчидан, интуитив билиш қиласиган одам ўз-ўзидан мослашувчанлиги билан ажралиб туради, яъни, янги ғояларни шакллантириш учун зарур шартларни ўз ичига олмайдиган ноаниқ вазиятда турли хил ғояларни яратишга интилади.

Гилфорд томонидан киритилган дивергент фикрлаш концепцияси психологларнинг диққат марказида бўлиб келган. Уларнинг фикрича, ижодий фикрлаш ва зиддиятли фикрлаш бир хил тушунчалар эмас. Дивергент фикрлаш бирлашмалар механизми билан боғлиқ. Ушбу баёнот Медникнинг ассоциатив назарияси асосида тасдиқланган. Ушбу назария бирлашмалар ижодий фикрлашнинг асоси деган фикрга асосланади. Бирлашмалар ўртасида пайдо бўладиган ғоялар қанчалик узоқ бўлса ёки агар бу бирлашмалар тафаккурга юклатилган вазифаларнинг талабларига жавоб берса ва фойдали эканлиги билан ажралиб турсагина интуитив асосга эга бўлади. Г. Эйзенкнинг сўзларига кўра, интуитивлик — бу муаммони ижодий ҳал этишга қаратилган тасодифий қидирувни бирлаштириш жараёнидир. Интуитивликнинг асосий хусусияти “ҳаддан ташқари инклюзия”дир. Когнитив мазмундаги ҳаддан ташқари инклюзия — кўплаб ижодий ғояларни ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Интуиция фалсафа ва фан тараққиётининг муҳим тушунчаларидан бўлиб, тафаккур, жумладан рационал ҳамда иррационал тафаккур, ижод, хусусан “бадиий ва илмий ижод”, “ақл”, “хотира”, “тасаввур”, “диққат”, “фаҳм-фаросат”, “онглилик”, “онгиззлик”, “онг ости соҳаси” ва “инстинкт” каби тушунчалар билан диалектик боғлиқлиқдадир. Интуиция, интуитив билиш, интуитив тафаккур инсоннинг нафақат

ҳиссий ва ақлий билиш қобилияти, балки руҳияти билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган мураккаб, серқирра ва яхлит билиш жараёни ҳисобланади.

“Интуитивлик” тушунчаси “ижод” тушунчаси билан боғлиқ. Шахснинг ижодкорлик имкониятларини тадқиқ этишга бўлган ижтимоий буюртма интуитивлик муаммосининг алоҳида муҳимлигини белгилайди. Шахсий ижодкорликнинг динамик (ривожланиб, ўсиб борувчи) таснифланиши интуитивлик ва унинг асосий қирраларида акс этади. Бироқ, интуитивлик психология ва педагогика фанларининг белгиланган илмий категорияси бўлсада, “интуитивлик” тушунчаси тегишли луғатларда муносиб дефференциясини топмаган ва ижод психологиясида етарлича аниқланмаган. Ўнлаб илмий ишларда илмий ижодкорликнинг уёки бу қирраларига турлича ёндашиб, ҳар хил даражада қамраб олинаётганлигига қарамасдан, ҳозиргача на муаммонинг ўзига ва на унга тааллуқли бўлган амалий саволларга нисбатан ягона тўхтам мавжуд эмас. Ҳозирда, ривожланишнинг замонавий босқичида, мазкур анъаналари инсон факторининг ҳал қилувчи ўрнини белгиламоқда. Бу факторнинг феноменологиясида ижодкорлик унинг белгиланган асосини ташкил этади.

Ижодкорлик инсон феноменининг намоён бўладиган юксак кўриниши бўлишига қарамасдан, у энг кам ўрганилган соҳа бўлиб, табиий қонуният сифатида қаралади. Гап шундаки, ижод жараёнининг табиатидаги тасодифанлик, кутилмаганлик аввалбошданоқ унинг замонавий илмий методларда ўрганиш имкониятини чегаралади. Замонавий фан имкониятлари ижодкорлик табиатининг мавжуд далиллар ва саволларни тўлиқ қониқтирадиган универсал тушунтириш имкониятига эга эмас. Шу боисдан ҳам М.Абдуллаева, Г.Покачаловларнинг таъкидлашларича, фандаги ижод ўзининг мазмуни ва мундарижасига кўра, санъат ва ҳ.к. соҳалардаги ижоддан фарқланади. Бироқ улар ўзаро умумий жиҳатларга ҳам эга. Бу эса улардаги “психологик жараёнининг бир хил” эканида кўринади. Ҳар иккала ижод шаклини меҳнатдан завқ олиш (Платон нуқтайи назаридаги “экстаз”) ва илҳомланиш фарқлаб туради [14;5-б].

Хулоса. Интуитив билиш ҳар доим ҳам изчил фикрлашнинг ўзига хос тузилиши эмас, бундай муносабат бу муаммони атрофлича ўрганишга тўсқинлик қиласди. Фикрлаш жараёнида ҳар қандай ҳаракат ва кўп йўналиши муносабат бир хил маъно-мазмунга эга бўлмайди. Бу жараёнда бир вазифадан иккинчисига ўтиш мажбурий равишда кетма-кет бўлиши шарт эмас. Фикрлаш жараёнининг қисмларига бўлиниш, натижада бу қисмларнинг йиғиндиси битта бирликка бирлаштирилиши мумкин. Бу ердаги асосий муаммо қисмлар ўртасида алоқа ўрнатиш билан белгиланади. Жараёнининг энг муҳим хусусиятлари сифатида маълум бир фикрлаш жараёнларининг тузилишини белгилаш муҳим ҳисобланади. Бундай талаблардан бири тайёр янги маҳсулот шаклида ифодалangan интеллектуал фаолиятнинг маълум бир натижасини шакллантиришдир. Ижодий фикрлаш ҳолатида билим шаклида тақдим этиладиган муҳим нарса бу янги маҳсулотдир. Чунки объектив дунё субъектларнинг бир хил атрибут хусусиятларини ўзида акс эттирмайди.

Хуллас, ижодий фаолиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида интуитив билишни ўрганишнинг методологик асослари, бир томондан, илгари маълум бўлган ғоялар асосида янги билимларни ўзлаштиришга имкон берса, бошқа томондан, аллақачон мавжуд бўлган билимлардан янги билимларни ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Ижод жараёнида даҳолик даражаси аниқланади. Бу ҳақида Н.А.Бердияев шундай

ёзади: “Ҳақиқатдан ҳам, ижод қилишда инсоннинг даҳолик даражаси худо тимсолининг ундаги аксига ўхшаса, ижоддаги бетакрорлик табиатдаги реалликни акс этишига ўхшайди” [15;57-б]. Шу боис ҳам инсон адабий ва фалсафий асарларни ёзишга катта қобилияти бўлса ҳам, давлатни бошқариш ёки кашфиётлар қилишга кучи етмаслиги мумкин. Бу ҳолат билан биз инсондаги ижодкорлик бу кўпроқ ташқи реализацияга эмас, балки ички ижодга тааллуқли эканлигини ҳис этамиз. Зоро, ижодкорлик инсон шахсининг ўзига хос сифатидир, яъни маҳсус қобилиятни талаб қилмайди. Шунинг учун ҳам одамда катта қобилият ва инсоний фазилат намоён бўлса, меҳнат билан даҳолик даражасига етиши мумкин.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Абдуллаева М., Покачалов Г. Философские проблемы методологии науки: Отдел Институт Философии и права им. И.М.Муминова АН Руз.. – Т.: 2006. – 245 с.
2. Аристотель. Сочинения.-М.: Наука,1976 ст 238
3. Азизикулов А.А. Илмий ижодиётида рационаллик ва норационаллик: концептуал таҳлилий ёндашувлар: Дис. ... Фал. фан. ном.; ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат ун-ти. - Самарқанд, 2007. - 146 б.
4. 4.Бердяев Н.А. Самопознание. - М., Книга, 1991. С.134.
5. Диалектика и современное научное познание.-Тошкент.: Фан, 1983. С.185
6. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар.-Тошкент.: ЎФМЖ, 2004. -Б.156
7. Guilford J.P. (1950), «Creativity», American Psychologist, 5, 646
8. Guilford, J. P (1982), «Is some creative thinking irrational? », Journal of Creative Behavior, 16,214
9. Сафаров, М.К. (2023). Абу бакр ар-Розийнинг “Тибби Руҳоний (Руҳ тиббиёти) асарида газабни ва инсоннинг ўз камчилликларини бартараф қилиш ҳақида мулоҳазалар. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари, 2(3), 214-219.
10. Torrance, E. P. (1988), «The nature of creativity as manifest in its testing», in R. J. Sternberg (ed.), The nature of creativity (p. 43–75), New York, Cambridge University Press.
11. Torrance, E. P. (1968), «A longitudinal examination of the fourth-grade slump in creativity», Gifted Child Quarterly, 12, 199.
12. Тўленов Ж. Диалектика ва тафаккур услуби.-Тошкент.: Фан, 1979. -С.122
13. Maslow A. (1968), Toward a Psychology of Being, New York, Van Nostrand

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

N^o S/7(3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).